



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG'I

20 17 yil " 19" 10

Nº 617

Toshkent sh.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт колледжлари директор ўринбосарлари бўш (вакант) лавозимларига номзодларни танлаб олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2005 йил 28 марта 1461-сон билан давлат рўйхатидан ўтган Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низомга асосан танлов ўtkазишни такомиллаштириш мақсадида буюраман:

1. Куйидагилар:

соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт колледжлари директор ўринбосарлари бўш (вакант) лавозимларига номзодлар танловини ўтказиш бўйича комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ;

тиббиёт колледжлари директор ўринбосарларини танловдан ўтказиш бўйича тахминий саволлар мажмуи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Танлов комиссияси (Ў.Исмаилов), танлов ўтказиш билан боғлик бўлган барча ишларни юқоридаги Низом билан белгиланган тартибда ташкил этсин.

3. Тиббиёт колледжлари директор ўринбосарлари бўш (вакант) лавозимларига номзодлар танловини ўтказиш бўйича комиссия 10 кунлик муддатда комиссия ишини тартибга солиш бўйича Регламент ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Мазкур буйруқ чиқарилиши муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 31 декабрдаги 599-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини ғазорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

А.Шадманов

007720

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2017 йил “19” 10 даги
619 -сонли бўйругига
1-илова

**Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт коллажлари директори
ўринбосарлари бўш (вакант) лавозимларига номзодлар танловини ўтказиш
учун танлов комиссияси таркиби**

1. Ў.С.Исмаилов – Фан ва тиббий таълим бош бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси
2. Г.А.Юсупалиева - Фан ва тиббий таълим бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
3. Д.И.Бабаев - Кадрлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси
4. Р.И.Махаммадиев - Соғлиқни сақлаш вазирлиги юридик бўлим бошлиғи
5. Х.И.Шукуров - Фан ва тиббий таълим бош бошқармаси етакчи мутахассиси, комиссия котиби

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошка ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига тайинланган ёки вазифасини бажариб туриш зиммасига юклатилган шахс комиссия таркибига киради.

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2017 йил “19” 10 даги
614 -сонли бўйруғига
2-илова

Тиббиёт коллежлари директор ўринбосарларини танловдан ўтказиш бўйича таҳминий саволлар мажмуи

I. Маънавий-маърифий соҳадаги билимлар

1. Ўзбекистон Республика Президенти Ш.Мирзиёвнинг “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халкимиз билан қурамиз” асарининг мазмун моҳияти ҳақида.
2. Ўзбекистон Республика Президенти Ш.Мирзиёвнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи бўйича чоп этилган “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрг тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” асарининг мазмун моҳияти ҳақида.
3. Ўзбекистон Республика Президенти Ш.Мирзиёвнинг “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз” асарининг мазмун моҳияти.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмуни тўғрисида нималарни биласиз.
5. И.Каримовнинг жамиятда мафкуравий бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги хакидаги фикрлари.
6. И.Каримовнинг “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” асарида таълим соҳасини ислоҳ қилишнинг қандай асосий вазифалари белгилаб берилган?
7. Ўзбекистоннинг тинчлиги ва барқарорлигига хавф solaётган таҳдидларни айтиб беринг:
8. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тушунчалари мазмуни.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастурининг мозияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятига оид қандай меъёрий хужжатларни биласиз?
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ижтимоий маънавий мухитни янада соғломлаштириш, диний ақида парастликнинг олдини олиш чора тадбирлари тўғрисида» ги 26.03.1998 йилдаги 130-сонли қарорида вазифалар белгиланган?
12. Ўзбекистон Республикаси рамzlari: байроқ, герб ва гимн қачон қабул қилинган ва уларни мазмун мозиятини тушунтириб беринг.
13. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади ва унинг асосий мазмунини айтинг.
14. Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунасиз? Бозорнинг асосий вазифасига нима киради?
15. Маркетинг деганда нимани тушунасиз?
16. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтишининг 5 та тамойилини айтиб беринг.

- 17.Хусусийлаштириш деганда нимани тушунасиз?
- 18.Тиббиёт соҳасида қандай ислохотлар амалга оширилмоқда?
- 19.Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қандай орган?
- 20.Олий мажлиснинг Сенат ва Қонунчилик палаталарининг тузилиш тартиби ва ваколатларини тушунтириб беринг.
- 21.Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган энг сўнгги ўзгартириш ва қўшимчалар нималардан иборат?
- 22.Давлатлар тузилиш шаклига кўра қандай турларга бўлинади.
- 23.Фуқаролик жамияти деганда нимани тушунасиз?
- 24.Демократик давлат бошқа турдаги давлатлардан асосан нимаси билан фарқ қиласди?
- 25.Ўзбек миллий давлатчилигининг тарихий илдизлари уларнинг бугунги давлатчилигимизни мустаҳкамлашдаги ўрни нималардан иборат?
- 26.Хукукий давлатга хос бўлган белгилар нималардан иборат?
- 27.Сиёсий партия деганда нимани тушунасиз ва унинг жамиятдаги ўрни қандай?
- 28.Кўппартиявийлик тушунчасини изохлаб беринг.
- 29.Нодавлат ташкилот деганда қандай ташкилотларни тушунасиз?
- 30.Таълим муассасасининг хукукий мақоми нимадан иборат?
- 31.Маънавий – маърифий ишлар самарадорлиги нималарга қараб баҳоланади?
- 32.Таълим муассасаларида маънавий – маърифий ва тарбиявий ишлар мониторинги қандай олиб борилади?
- 33.Академик лицей ва касб-хунар коллежларини маънавият, маърифат, маданият марказлари сифатида аҳамиятини ошириш учун нималар қилиш лозим?
- 34.Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда қандай маънавий – маърифий ишларни ташкил этиш керак?
- 35.Ёшларнинг маънавий, эстетик эҳтиёжлари ва уларни шакллантирувчи омиллар нималардан иборат?
- 36.“Куч – билим ва тафаккурда” концепциясининг маънавий моҳияти нимадан иборат?
- 37.Мафкура, унинг моҳияти, вазифалари ва жамият ҳаётидаги ўрни.
- 38.Миллий ғоя асосий тушунча ва тамойиллар курсини ўқитиш, ўрганиш ва тарғибот қилиш ишларини самарали амалга ошириш йўллари қандай ?
- 39.Ёшлар дунёқарашига таҳдид солувчи ғоялар, манбалар, уларнинг имкониятлари ва таъсир доираларини айтиб беринг.
- 40.Ёшлар онггига миллий истиқлол ғоясига сингдиришнинг усул ва воситалари.

- 41.Ҳозирги даврда информацион хуружларнинг қайси шакл ва турлари кенг тарқалган?
- 42.«Фояга карши факат ғоя, жаҳолатга карши фақат маърифат билан курашиш керак» принципининг аҳамияти нимада?
- 43.Тараққиётнинг “Ўзбек модели”, мамлакатда бозор муносабатларини шакллантиришнинг ўзига хос белгилари қандай?
- 44.«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» ғоясининг мазмунини тушунтириб беринг.
- 45.Тарбиянинг қандай турларини биласиз ва уларни таълимдаги роли қандай?
- 46.Маънавий баркамол инсон деганда кимни тушунасиз?
- 47.Мафкуравий тарбия усулларини айтиб беринг.
- 48.Маънавий тарбия бошқа тарбия турларидан қандай фарқланади?
- 49.Ахлоқий тарбия деганда нимани тушунасиз?
- 50.Ватанпарварлик тарбияси (Таърифи, маъно ва моҳияти).
- 51.Эстетик тарбия тушунчаси ва уни шакллантириш йўллари қандай?
- 52.Огоҳлик ва хушёрглик тарбияси тушунчаси мазмун – моҳиятини айтиб беринг.
- 53.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон “Миллий ғоя тарғиботи” ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарордан келиб чиқадиган вазифаларни айтиб беринг.
- 54.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 апрелдаги ПҚ-317-сон «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий – маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг мазмун ва моҳиятини айтиб беринг.
- 55.Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти тизими қандай тизим ҳисобланади?
- 56.Демократиянинг асосий мезонлари ҳақида гапиринг.
- 57.Ижтимоий ҳимояни кучайтиришда давлатимизда амалга оширилаётган чора тадбирларни айтиб беринг.
- 58.Халқ педагогикаси анъанаси бўлган «Устоз –шогирд» тизимининг ёшларнинг касбий малакасини тарбиялашдаги ўрнини қандай излоҳлайсиз?
- 59.Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида маънавий – маърифий соҳада қандай вазифалар белгиланган?
- 60.Бунёдкорлик ғоясини аждодларимиз қолдирган маънавий маданий мерос мисолида айтиб беринг.
- 61.“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг қайси моддаларида маънавий – маърифий ишларни ташкил этишнинг асослари кўрсатиб берилган?

- 62.Миллий тарбияни амалга ошириш омиллари (Бу омиллардан таълим муассасасида фойдаланиш ифодаси).
- 63.Ўзбекистонда нишонланадиган миллий байрамларнинг тарбиявий тасирчанлигини асослаб беринг.
- 64.Хукуматимиз томонидан жамиятда маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришга қаратилган қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқилган?
- 65.Минтақамизга хавф солиб турган асосий мафкуравий таҳдидлар.
- 66.Мафкуравий иммунитетни ҳосил қилувчи омиллар.
- 67.Миллий истиқлол мафкурасининг асосий гояси.
- 68.Мафкуравий таҳдидлар.

II. Таълим жараёнига оид масалалар

- 69.Фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи қандай руёбга чиқарилади?
- 70.Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоялаш қандай амалга оширилади?
- 71.Педагогик фаолият билан кимлар шуғулланиши мумкин?
- 72.Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми қандай ҳужжатлар орқали белгиланади?
- 73.Таълим соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатларини айтиб беринг.
- 74.Таълимни бошкариш буйича ваколатли давлат органлари вазифаларини санаб беринг.
- 75.Кадрлар тайёрлап миллий дастурининг мақсади ва вазифалари.
- 76.Кадрлар тайёрлап миллий дастурининг босқичлари ва вазифаларини айтиб беринг.
- 77.Академик лицей ва касб-хунар коллежининг бир-биридан фарқи ва уларнинг мақсадларини айтиб беринг.
- 78.Узлуксиз таълимда ишлаб чиқаришнинг роли нима?
- 79.Таълим турлари тўғрисида нималарни биласиз?
- 80.Касбий тавсифнома тўғрисида тушунча.
- 81.Ўкув режа ва унинг таркибий тузилишини тушунтириб беринг.
- 82.Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими дастури.
- 83.Таълимнинг инновацион усуслари.
- 84.Ўзбекистон Республикасининг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагиchi.
- 85.Ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш йўллари.

86. Таълим сифатини назорат килиш тизимини айтиб беринг.
87. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатини асосий принципларини санаб беринг.
88. Давлат таълим стандартлари (ДТС) нимани белгилайди?
89. ДТС ўз моҳиятига кўра қандай меъёрий хужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат килади?
90. ДТСнинг таркибий қисми бўлган таянч ўқув режаси қандай хужжат ҳисобланади?
91. Қайси таълим турлари учун давлат таълим стандартлари жорий этилади?
92. Давлат таълим стандартларига қайси ваколатли органлар томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин?
93. Давлат таълим стандартида кичик мутахассисга қандай таъриф берилган?
94. Ўзбекистон Республикасининг ЎМКХТ тайёрлов йўналишлари касблар ва ихтисосликларнинг тизимлаштирилган руйхати қайси хужжатда келтирилади?
95. Намунавий, таян ўқув режа нима, уларни ким ишлаб чиқади ва тасдиқлайди?
96. Ишчи ўқув режа нима, у қандай тузилади? Унинг намунавий ўқув режадан фарки нима?
97. Фанларнинг намунавий ўқув дастури нима, уни ким тузади ва тасдиқлайди?
98. Фанларнинг ишчи ўқув дастури нима ва унинг намунавий дастурдан фарки нима?
99. Касб-хунар коллежининг таянч ўқув режасида соатлар фанлар блоки буйича қандай миқдорда тақсимланган?
100. Ўқув жараёни графиги қандай хужжат ва нималарни белгилайди?
101. Таълим муассасалари Илмий-педагогик кенгаши қарори билан ишчи ўқув режасига киритиладиган соатлар миқдори қанча?
102. Таълим муассасаларида маҳсус курслар неча соат, қайси курсларда ўқитилади, маҳсус курслар номини келтиринг.
103. Ўқув машғулотлари журнали қандай хужжат ҳисобланади ва уни юритиш тартибини айтиб беринг.
104. Ўқувчининг "Рейтинг дафтарчаси" қандай хужжат ва у қандай юритилади?
105. Якуний давлат аттестацияси нима ва у қачон, ким томонидан ўтказилади?
106. Коллежларда касблар буйича Давлат аттестациясининг амалий қисми қандай тартибда ўтказилади?
107. Ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва маълакаларини назорат килишнинг рейтинг тизимида қандай назорат турлари мавжуд ва улар қандай амалга оширилади?
108. Ички назорат нима ва у кимлар томонидан ўтказилади?

109.Ички назоратнинг турларини айтинг.

110.Ташқи назорат нима ва у қайси ташкилот томонидан ўтказилади?

111.Дарслик нима? Ўқув қўлланмаси-чи?

112.Электрон дарслик нима? Унинг қандай афзаликлари бор?

113.Ўқувчиларнинг ахборот-ресурс маркази жамғармасидан фойдаланиш даражаси қандай аниқланади?

114.Ахборот-ресурс марказининг иш фаолияти қандай хужжатлар билан белгиланади?

115.Таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси қандай аниқланади?

116.Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг меҳнати натижаси асосан нималарда намоён булади?

117.Таълим муассасида педагог ва муҳандис-педагогларга эҳтиёж қандай аниқланади?

118.Ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳияти деганда нимани тушунасиз?

119.Педагог ходимларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва кайта тайёрлащни ташкил этиш қайси органларнинг ваколатига киради?

120.Малака ошириш ва қайта тайёрлаш орасидаги фарқни айтиб беринг?

121.Таълим муассасалари илмий-педагогик кенгашининг асосий вазифалари нималардан иборат?

122.Таълим муассасаларида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вазифалари нималардан иборат?

123.Ўқув ва ёрдамчи хоналарни жиҳозлашга қандай талаблар қўйилади?

124.Таълимнинг техник воситалари ва уларнинг ўқув жараёнида фойдаланиши ҳакида тушунча беринг.

125.Ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш қандай тартибда амалга оширилади?

126.Таълим муассасасида янги мутахassislik тайёрлов йўналишларини очилиши учун қандай омиллар зарур деб ҳисоблайсиз?

127.Ўқув муассасасидаги мутахassislik тайёрлов йўналишларини қандай ҳолларда ёпишни мақсадга мувофик деб ҳисоблайсиз?

128.Ижтимоий ҳимояни кучайтиришда Давлатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларни айтиб беринг?

129.Аҳолини хусусан ёшларни иш билан таъминлашнинг долзарб вазифлари ва уни ҳал этиш ечимлари нималардан иборат?

130.Таълим муассасаси ва ҳокимликлар хузуридаги "Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари" ҳамкорлигига амалга ошириладиган тадбирлар нималардан иборат?

131. Ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиётига юбориладиган корхона билан колледж ўртасида тузиладиган шартноманинг асосий бандлари нималардан иборат бўлиши керак?
132. Таълим муассасасининг корхона ҳамкорлиги қандай амалга оширилади.
133. Касбий таълим педагогикаси деганда нима тушунилади?
134. Психологик-педагогик ташхис марказларининг мақсади ва вазифалари нимадан иборат?
135. Касбга йўналтириш ишлари қандай ташкил этилади?
136. Мониторинг деганда нима тушунасиз ва у таълим муассасасида қандай ташкил этилади?
137. Ўқувчи неча ёшгача вояга етмаган ҳисобланади?
138. Ўсмирлар физиологияси ва гигиенаси нима?
139. Таълим муассасасидаги чин етимлар учун давлат томонидан қандай имтиёзлар белгиланган?
140. Таълим муассасаларидан айрим сабабларга кўра ўқувчилар сафидан чиқарилганларни ўқувчилар сафига тиклаш тартибини тушунтиринг.
141. «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қандай спорт турлари бўйича ва неча йилда ўтказилади?
142. Инновацион усул деганда нимани тушунасиз?
143. Академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари учун педагогик кенгаш қандай орган ҳисобланади?
144. Республика КХКлари учун муҳандис педагоглар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларини айтинг?
145. Таълим муассасасининг ўкув аудиториялари ва фан хоналари белгиланган меъёрга мослиги қандай аниқланади?
146. Якуний назорат нима, у қачон ва кимлар томонидан ўтказилади?
147. Тиббиёт колледжларига ўқувчиларни қабул қилиш тартибини тушунтиринг?
148. Ўкув ва ёрдамчи хоналарни жиҳозлашга қандай талаблар қўйилади?
149. Техника хавфсизлиги қоидалари ва унга риоя этиш юзасидан таълим муассасасида қандай ишлар амалга оширилиши керак?
150. Назарий ва касбий таълимни тўғри ташкил этишга хизмат қилувчи омиллар ҳақида фикрингизни айтинг?
151. Малака тушунчасини изоҳланг.
152. Узлуксиз таълим деганда нимани тушунасиз ва унинг турларини санаб ўтинг.
153. Ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш тартибини тушунтиринг?
154. Амалий таълимни ташкил этишга қўйилган талаблар

- 155.Ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этишга қўйилган талаблар
- 156.Ишлаб-чиқариш ва диплом олди амалиётларини ташкил этишга қўйилган талаблар
- 157.Давлат имтиҳонларини ўтказишга қўйилган талаблар
- 158.Битирувчиларнинг ишга жойлашишда таълим муассасасининг вазифалари
- 159.Битирув ишларига қандай талаблар қўйилади?
- 160.Ўқув амалиётларини ташкил этиш тартибини тушунтиринг?
- 161.Ўқувчиларни КХК ларига жалб этиш учун қандай чора-тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб хисоблайсиз?
- 162.Коллеж педагог жамоасининг вазифалари ва хуқуқлари нималардан иборат?
- 163.Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзларни айтиб беринг.
- 164.Қандай ҳолларда аёлларни ишга қабул қилишда дастлабки синов белгиланмайди?
- 165.Фуқароларнинг мурожаатини куриб чиқиш қандай тартибда амалга оширилади?
- 166.Ходим ишдан бўшаши тўғрисида ўз раҳбарини қанча муддат илгари ёзма огоҳлантириши лозим?
- 167.Мехнат интизомини бузган ходим вақтинча ишга қобилиятсизлик ёки таътилда бўлган даврида иш берувчи у билан тузган меҳнат шартномасини бекор кила оладими?
- 168.Суд хукми билан меҳнат кодексининг қайси моддасига асосан ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин?
- 169.Мехнат шартномаси тушунчасини изоҳланг.
- 170.Мехнат шартномаси мазмуни, шакли ва муддати ҳақидаги фикрингиз?
- 171.Таълим муассасасининг Устави қандай ҳужжат ва у нималарни ўз ичига олади?
- 172.Таълим муассасасининг паспорти нима?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
ТЕСТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ДИРЕКТОР
ЎРИНБОСАРЛАРИ, ПЕДАГОГ ВА МУҲАНДИС-ПЕДАГОГЛАРНИНГ БўШ
ЛАВОЗИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН УЛАРНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ТАНЛАБ
ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 12-13-сон, 96-модда)
**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 марта 1461-сон
билан давлат рўйхатидан ўтказилди]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойишининг 8-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 3 январдаги 3, 19 ва 19-сон қарори билан тасдиқланган «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчиларнинг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида»ги низом (2002 йил 4 январь, рўйхат раками 1093) ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

1. «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари директор ўринbosарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида»ги низомнинг янги таҳрири иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор кучга киргандан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 3 январдаги 3, 19 ва 19-сон қарори билан тасдиқланган «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчиларнинг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида»ги низом (2002 йил 4 январь, рўйхат раками 1093) ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлиб ўн кундан кейин кучга киритилсан.

**Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим маркази
директори в.в.б. Х. МАСУДОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 24 март,
04/ҚҚ-сон

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Б. ИСМАИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 март,
01-76-сон

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 март,
01/1184-сон

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг

2005 йил 24 марта 04/ҚҚ, 01-76, 01/1184-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари директор ўринbosарлари, педагог ва
муҳандис-педагогларнинг бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида
танлаб олиш тўғрисида
НИЗОМ**

(янги таҳрирда)

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сон «Академик лицей ва касб-хунар коллажлари директорлари аттестацияси тўғрисида»ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1998 йил 13 майдаги 204-сон «Ўзбекистон Республикасида Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимидаги муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимидағи академик лицей ва касб-хунар коллажлари (бундан кейин матнда — таълим муассасалари)даги бўш(вакант) директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог лавозимларига танлов ўтказиш тартибини белгилайди.

Танлов таълим муассасаларига замонавий талабларга жавоб берувчи юкори малакали, чуқур касбий билимга, ижодий ва илмий потенциалга, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларга эга бўлган кадрларни саралаб олиш мақсадида ўтказилади.

I. Умумий қоидалар

1. Таълим муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог (кейинги ўринларда директор ўринбосарлари ва педагоглар) лавозимларига номзодлар танлов асосида қабул қилинадилар. Танлов бўш (вакант) лавозимларга ўзлон қилинади.

2. Танлов мазкур Низом асосида тузиладиган таълим муассасалари директор ўринбосарлари ва педагог лавозимларига танлов ўтказиш комиссияси (Танлов комиссияси) томонидан ўтказилади.

3. Таълим муассасалари соатбай ҳақ тўлаш асосида ишга қабул қилинаётган шахслар директор буйруги билан танловсиз расмийлаштирилади.

4. Академик лицейларнинг:

директор ўринбосарлари лавозимларига ўтказилаётган танловда (асосан умумтаълим фанлари ёки педагогика фанлари бўйича) илмий даража (илмий унвон)га эга бўлган шахслар ҳамда педагогик соҳа бўйича магистр ёки дипломли мутахассислар ҳам иштирок этишлари мумкин;

педагог лавозимига ўтказилаётган танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик мутахассислик бўйича магистр, дипломли мутахассис ва педагогик йўналиш бўйича бакалаврлар иштирок этишлари мумкин.

5. Касб-хунар коллажларининг:

директор ўринбосарлари лавозимларига ўтказилаётган танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр, дипломли мутахассислар иштирок этишлари мумкин;

умумтаълим фанлар бўйича педагог бўш ўринларини эгаллаш учун танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик мутахассислик бўйича магистр, дипломли мутахассис ва бакалаврлар иштирок этишлари мумкин;

маҳсус фан ва касбий таълим (амалиёт) педагоглари лавозимларига ўтказилаётган танловда таълим муассасаси йўналиши ва ихтисосликларига мос келадиган илмий даража (илмий унвон)ли ёки магистр, дипломли мутахассис ва бакалаврлар иштирок этадилар. Халқ хунармандчилиги, спорт ва маданият йўналишларидаги касб-хунар коллажларининг касбий таълим (амалиёт) педагог лавозимларини эгаллаш учун танловда ишлаб чиқариш корхоналарининг юкори разрядли ходимлари ва миллий хунармандчилик усталари, шунингдек спорт устаси ёки маданият соҳасида унвонга эга ўрта маҳсус маълумотли шахслар ҳам иштирок этишлари мумкин.

6. Академик лицей ёки касб-хунар коллажига айлантирилаётган бошқа турдаги таълим муассасалари директор ўринбосарлари ва педагоглари танловда умумий асосда иштирок этадилар.

7. Директор ўринбосари ва педагог лавозимини эгаллаш учун ўтказилаётган танловда номзодлар аризасига биноан иштирок этадилар.

Директор ўринбосари лавозимига камида иккита номзод танловда қатнашиши лозим.

8. Суд хукмига кўра педагогик фаолият билан шугулланиши ман этилган шахслар танловга қўйилмайдилар.

9. Таълим муассасалари директор ўринбосарлари ва педагогларини танловдан ўтказиш бўйича тахминий саволлар мажмуи ва танлов ўтказиш графиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим маркази ёки бўйсунувида таълим муассасаси бўлган вазирлик ёки идора томонидан ишлаб чиқилади.

II. Танлов ўтказиш тартиби

10. Бўш (вакант) директор ўринбосарлари лавозимига танлов Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим марказининг худудий бошқармалари ёки бўйсунувида таълим муассасаси бўлган вазирлик ёки идора томонидан, педагог лавозимларига — таълим муассасалари раҳбарияти томонидан марказий ёки маҳаллий матбуот орқали 1 ой олдин эълон килинади.

11. Танлов эълон қилингандан кейин:

директор ўринбосарлари лавозимларига танловда иштирок этишни хоҳлаган номзодларнинг аризалари ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармасига ёки бўйсунувида таълим муассасаси бўлган вазирликка ёки идорага;

педагог лавозимига танловда иштирок этишни хоҳлаган номзодларнинг аризалари таълим муассасасига тақдим этилади.

12. Аризага қуидаги хужжатлар илова қилинади:

сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варагаси) ва таржимаи ҳол;

майлумоти ҳақидаги хужжатнинг нусхаси;

илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги хужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса);

илмий-услубий ишлар ва ихтиrolар рўйхати (мавжуд бўлса);

4 x 6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат.

Бундан ташқари:

директор ўринбосари лавозимларига номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция).

13. Директор ўринбосари лавозимига танлов ўтказиш учун ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари бошлиқларининг буйруклари билан ушбу бошқармалар хузурида ёки бўйсунувида таълим муассасаси бўлган вазирлик буйруклари билан ушбу вазирликлар хузурида ёки идора раҳбарининг буйруғи билан ушбу идора хузурида;

педагог лавозимларига танлов ўтказиш учун таълим муассасалари директорларининг буйруклари билан таълим муассасалари хузурида танлов комиссиялари тузилади.

14. Танлов комиссияси хужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда катнашишга тавсия этади.

15. Танлов комиссияси 5 кишидан иборат таркибда тузилади.

16. Танлов комиссияси очик овоз бериш асосида ва кўпчилик овоз билан танлов бўйича якуний холоса қабул қиласи. Овозлар teng бўлган тақдирда комиссия раисининг овози хал қилувчи ҳисобланади.

III. Танлов натижалари

17. Директор ўринбосарлари лавозимларига комиссия томонидан танлаб олинган номзодлар билан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси ёки тегишлича бўйсунувида таълим муассасаси бўлган вазирлик ёки идора белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузади ва буйруқ билан расмийлаштиради.

18. Педагог лавозимига танлаб олинган номзодлар билан таълим муассасаси директори белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузади ва буйруқ билан расмийлаштиради.

19. Танлов комиссияси холосасидан норози бўлган шахслар юкори турувчи органга ёки судга шикоят қилишлари мумкин.